



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 9 октябрь, № 206 (8829)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МДХ ДОИРАСИДАГИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7-8 октябрь кунлари амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлди.



Президент Шавкат Мирзиёев 8 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида ўтган саммитда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Киргиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Арманистон Бош вазири Никол Пашинян, шунингдек, МДХ бош котиби Сергей Лебедев қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ кўп қир-рали муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, МДХ доирасидаги амалий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Россиянинг Ҳамдўстликда раислиги даврида кўп томонлама ҳамкорлик барча йўналишларда ривожланганини юқори баҳолади.

МДХ мамлакатларининг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ вазиятга алоҳида эътибор қаратилди.

МДХ мамлакатлари махсус хизматлари ва ваколатли идораларининг тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бугунги таҳдидларга қарши курашиш усулларини такомиллаштириш, ки-

берхавфсизлиқни таъминлаш соҳасида келишилган чоралар ҳамда дастурий ҳужжатларни қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳамкорликнинг иқтисодий йўналишида биргаликдаги фаолиятни кучайтириш устувор вазифа экани қайд этилди.

Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 16 фоизга ошган. Муваффақиятли саноат кооперациясига қўллаб-қувватлаш мисоллар мавжуд.

МДХ тармоқ кенгашлари ва кўмиталари фаолиятини фаоллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Келгуси йил баҳорида Тошкент шаҳрида «Иннопром» халқаро саноат кўргазмаси доирасида МДХ Иқтисодий кенгаши йиғилиши ва Иннова-

цион ривожланиш форумини ўтказиш тақдир қилинди.

Яқинда бўлиб ўтган МДХ мамлакатлари етакчи таҳлилий марказларининг Тошкент конференцияси натижаларини ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли шерикликнинг янги устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Хусусан, интернет технологиялари ва «катта маълумотлар» индустриясини ривожлантириш, рақамли ечимларни жадал жорий этиш, креатив иқтисодиёт, «яшил» энергетика ва ядро технологиялари, иқлим муаммолари ва бошқалар шулар жумласидан.

Шу муносабат билан МДХ мамлакатлари экспертлари ва таҳлилчиларининг учрашувларини мунтазам

ўтказиш ҳамда навбатдаги конференцияни Самарқанд шаҳрида сунъий интеллектни ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказиш тақдир қилинди.

Гуманитар алмашинувларни кенгайтириш мақсадида Ҳамдўстлик давлатлари маданияти кунларини ўтказиш тақдир қилинди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш, таълим, санъат, кино, туризм ва спорт соҳаларида қўшма тadbирлар дастурини ҳар йили тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Самарқанд ва Тошкентни тегиш-лича Ҳамдўстликнинг маданий пойтахти ва ёшлар пойтахти деб эълон қилиниши доирасидаги лойиҳалар амалга оширилётгани мамнуният билан қайд этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда шахмат ва футбол бўйича ёшлар жамоалари ўртасида МДХ очиқ кубоги мусобақалари ўтказилади.

Яқинда Ўзбекистон Президенти Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонни 2025 йилда ташкилотга раислиқни қабул қилгани билан табриклади.

Саммит якунида МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича бир қатор битим ва қарорлар қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи якунланди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Олий Мажлис Сенатида

«ХОТИРА ПОЕЗДИ» ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева «Хотира поезди» маданий-маърифий тadbирини иштирок этган ёшлар билан учрашув ўтказди.

Таъкидлаб ўтилганидек, 2022 йилда йўлга қўйилган ушбу лойиҳадан кўзланган асосий мақсад ёшларни Иккинчи жаҳон уруши тарихи билан чуқурроқ таништириш, киргинбарот жанглар кечган жойларга бориб, унинг дах-

шатлари, талафотлари ҳақида тушунча ва тасаввур ҳосил қилиш, аждодларимизнинг қаҳрамонликларини бир умр ёдда сақлаш авлодларнинг муқаддас бурчи эканини англатишдан иборат.

Жорий йилнинг 20 июнидан 5 июлига қадар ташкил қилинган «Хотира поезди» лойиҳасида Ўзбекистондан 15 нафар ўқувчи иштирок этди.

Учрашув давомида ёшларнинг маъруза лойиҳадан олган таассуротлари ва фикр-мулоҳазалари ҳамда масъулларнинг тақдир-тавсиялари эшитилди.



КОРРУПЦИЯ —

ЖАМИЯТНИ ТУРЛИ ЙЎЛЛАР БИЛАН ИСКАНЖАГА ОЛАДИГАН ДАҲШАТЛИ ИЛЛАТ

«Жамиятимизда коррупция иллоти ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди».

Бундан тўрт йил аввал Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таъкидланган ушбу фикрлар бугун ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Коррупцияга қарши курашишнинг сифат жиҳатдан мутлақо янги даражага кўтарилиши давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси махсули, жамиятни «ҳалоллик

вакцинаси» билан эмлаш зарурияти эса бу борадаги ишларга қўйилган тамал тоши эди, десак, айни ҳақиқат.

Ҳўш, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда коррупцияга қарши қандай курашилди ва бунинг самараси ҳақида нималар дея оламиз? Ушбу йўналишдаги амалий ишлар, эришилган ютуқлар ва тизимдаги муаммолар нималардан иборат?

Шу ва бошқа саволларга батафсил маълумотлар олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал БУРҲОНОВ билан суҳбатлашдик.

чекланиб қолмай, глобал таъсирга эга бўлади, яъни дунёнинг қай бир нуқтасида бўлманг, ҳеч ким коррупциянинг салбий оқибатларидан ҳимояланган эмас, — дейди А. Бурҳонов. — Шунинг учун ҳам бу иллат катта ва кичик, ривожланган ёки ривожланаётган бўлишдан қатъи назар, жаҳоннинг барча мамлакатлари учун ҳар доим

Бизнинг интервью

— Коррупциянинг ҳар қандай давлат ва жамият ривожидидаги хавфи ҳақида узоқ гапириш мумкин, лекин мен унинг энг катта хавфни фуқароларнинг ижтимоий адолатга, ҳукумат ва давлат органларига ишончи йўқолишида, деб би-

ламан. Бу эса ўз-ўзидан миллий хавфсизликка таҳдид, тараққиётга қарши қаратилган ҳаракат дегани. Ва яна бир хавфли томони — коррупция келтириб чиқарадиган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммолар бир давлат доирасида

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси номидан «Сифатли таълим ва тарбия — баркамол авлод салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг муҳим пойдевори» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Сайловчиларнинг мuddатидан олдин овоз бериш кунлари ва вақти белгиланди

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида сайловчиларнинг мuddатидан олдин овоз беришларини ташкил қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга доир қўшимча чора-тadbирлар, хорижий давлатларнинг кузатувчиларини аккредитациядан ўтказиш ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар учун 2024 йил 16 — 23 октябрь кунлари мuddатидан олдин овоз беришни ташкил этиш тўғрисидаги Марказий сайлов комиссиясининг қарори қабул қилинди.

Мuddатидан олдин овоз бериш кунлари сайлов участкаларида овоз бериш вақти иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар, дам олиш кунлари эса соат 11:00 дан 17:00 га қадар давом этиши белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида мuddатидан олдин овоз бериш ушбу сайлов участкалари жойлашган давлатдаги маҳаллий вақт билан соат

9:00 дан 18:00 га қадар амалга оширилиши белгиланган. Сайлов кодекси ва «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонунда ногиронлиги бўлган фуқаролар ўзининг барча конституциявий ҳуқуқини, жумладан, сайлов ҳуқуқини бошқа фуқаролар билан тенг ва эркин амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратишга оид қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.



«ХОТИРА ПОЕЗДИ» ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Раиси Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон иштирокининг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтди. Жумладан, ўша пайтда мамлакатимизда яшаган 6,5 миллион аҳолининг 1,5 миллионидан ортиғи урушда қатнашган. Уларнинг 500 мингдан зиёди ҳалок бўлган ва 133 мингга яқин юртдошларимиз бедарак йўқолган, 60 мингдан ортиқ ватандошларимиз урушдан ногирон бўлиб қайтган.

Халқимиз уруш туфайли фронт ҳудудларидан қўчириб келтирилган қарийб 1,5 миллион кишини ўз биродарларидек қабул қилган. Уларнинг 250 мингдан зиёди болалар эди. Юзлаб ўзбек оилалари эвакуация қилинган етим болаларни ўз бағрига олган, охириги бурда номини ҳам улар билан баҳам кўргани инсонпарварлиқнинг чинакам намунасидир.

Халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши даврида жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган қаҳрамонлиги шу қадар юксакки, албатта, шонли ғалабани Ўзбекистонсиз, ўзбек халқисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу нуктаи назардан, Президентимиз ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти фидойилари номини абадийлаштириш, уларнинг беқиёс жасорати ва матонатини улуғлаш мақсадида юртимизда кейинги йилларда кўплаб эзгу ишлар рўёбга чиқарилди.

Хусусан, Тошкент шаҳрида “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Ушбу мажмуадаги “Шон-шараф” давлат музейи, “Мангу жасорат” ва “Матонат мадҳияси” монументлари ҳам диққатга сазовор.

Бу ердаги ҳар бир объект, қурилма ва экспонат халқимизни, аиниқса, ёшларни урушнинг дахшатли оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка, бугунги тинч ва осуда ҳаёт, мустақилликнинг қадрига етишга, доим огоҳ ва ҳушёр яшашга, Ватан ҳимоясига ҳамisha тайёр туриш руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан ҳам эътиборлидир.

Учрашувда Сенат Раиси ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар хусусида атрафлича тўхтади.

Ўз навбатида, мулоқотда бугунги авлодлар қаҳрамон аждодларимизнинг шонли анъана ва қадриятларини муносиб давом эттиришига, ўз Ватанига садоқат билан хизмат қилишига, унинг ҳимоясига ҳамisha шун турадиган жасур ва мард инсонлар сифатида қамолга етишларига ишонч билдирилди.

«Халқ сўзи».

Инсон манфаатларига қаратилган эзгу мақсадлар

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси мажлисида бир қатор қонунлар муҳокама қилинди.

Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари, Ёшлар парламенти ва кўмита ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, қонун ташаббускорлари, мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сенат кўмитасида

Мажлисида дастлаб “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, ушбу қонун мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш-ни янада тўлақонли таъминлаш ва кучайтиришни назарда тутувчи қатор ўзгартiriшларни қамраб олган.

Хусусан, қонун орқали Омбудсманнинг қонунчилик тақлифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ки-

ритиш ҳуқуқи жорий қилинмоқда.

Омбудсман ва унинг ўринбосари ваколатлари, дахлсизлигининг қўшимча кафолатлари ҳам жорий этилиб, уларга юклатилган вазифаларнинг муаммосиз ва самарали ба-жарилиши таъминланмоқда.

Қонунда жазони ижро этиш муас-сасалари ва тергов ҳибсхоналари ҳудудида “омбудсман кўитси” тушун-часи киритилиб, унга озодликдан маҳ-рум этилган шахсларнинг мурожаат қилиш тартиби белгиланди. Омбудс-маннинг минтақавий доимий вакили мақоми ҳам жорий этилмоқда.



Муҳокама давомида сенаторлар томонидан қонуннинг қабул қилини-ши Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг мустақил миллий институт сифатидаги аҳамиятини янада ошириши, фаолиятининг институционал асосларини та-ко-миллаштириши ва унинг инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатлари кенгайтиши, ҳудуд-лардаги иштирокини таъмин-

лашга хизмат қилиши таъкидланди.

Шундан сўнг мажлис иштирокчи-лари “Одам савдоси жинояти учун жазо чоралари кучайтирилаётганили-ги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига ўзгартiriш киритиш тўғрисида”ги қонунни муҳокамадан ўтказишди.

Мазкур қонун инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қону-ний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда, жумладан, одам савдоси жинояти учун мутаносиб санъатлар жорий этиш заруритидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Ўз навбатида, одам савдоси жи-нояти ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакл-ларини қўллаш орқали содир этган-лик учун жазо чораси кучайтири-лаётгани алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, моддада одам савдоси жинояти объекти бўйича оғирлаштирувчи бандлар сифатида ҳомиладор аёлга нисбатан содир этиш белгиси қайд қилинмагани, шу нуктаи назардан, қонун билан Жи-ноят кодексига ушбу қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан оғирроқ жазо чораларини белгилав-чи ўзгартiriшларни киритиш тақ-лиф қилинаётгани айтиб ўтилди.

Муҳокамалар давомида сенатор-лар бу қонун келгусида одам савдо-си билан боғлиқ жиноятларнинг ол-дини олиш, унга қарши самарали курашиш, бундай қилмишлар учун мутаносиб жазо чоралари белгилан-иши, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари самарали ҳимояланишига хизмат қилишини қайд этиб ўтишди.

Мажлис якунида қўриб чиқилган масалалар бўйича Сенат кўмитаси-нинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ДРАЙВЕР ЛОЙИҲАЛАР — АМАЛИЁТГА

Камбағаллик — жамиятимизнинг энг долзарб ижтимоий муаммоларидан саналади. Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг юқори даромадли барқарор иш билан бандлигини таъминлаш, сифатли таълим ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Шу боис энг чекка ҳудудларда инфратузилма тармоқларини барпо этиш-ни қамраб олган “кўп ўлчовли” камбағалликни қисқартiriш дастури ҳамда ёшларнинг иннова-ция ва рақамли техноло-гияларга асосланган таъ-лим олиши ва касб-хунар ўрганиши учун комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, барча туман ва шаҳарларда эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйи-ча мутлақо янги тизим — “темир дафтар”, “ёшлар дафтар-и” ва “аёллар дафтари” жорий этилди. Натижада улар билан тизимли ишлаш йўлга қўйилди. Сектор раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакиллари томонидан ҳар бир маҳалладаги ҳолат атрофлича ўрганилди, ёшлар ва аёл-лар билан бирма-бир мулоқот қилинди, эҳтиёжлари, қизи-қишлари аниқланиб, шу асосда манзилли чоралар қўрил-ди. Хусусан, ижтимоий ҳимоя қамрови 4,5 қарра кен-гайтирилиб, ўтган йили 12,3 триллион сўм йўналтирилди. Пенсия ва нафақалар миқдори 1,5 баравар кўпайтирил-ди. Маҳаллада камбағалликни қисқартiriш, тадбиркор-лик лойиҳаларига 35 триллион сўм имтиёзли кредит, 7 триллион сўм субсидия берилди. Маҳаллаларни обод қилиш, боғча, мактаб, тиббиёт, йўл, сув ва электр инфра-тузилмаси учун 120 триллион сўм ажратилди. Шунингдек, 260 минг гектар ер 800 минг аҳолига деҳқончилик қилиб даромад топиши учун тарқатилди.

Бундан ташқари, 2020 йилдан буён 3 миллиондан 5 миллион сўмгача ойлик оладиган ишчилар 2 баробар, 5 миллиондан 7 миллион сўмгача олувчилар эса 3 баро-бар ошди. Ерга бўлган муносабат йилдан-йилга ўзгараёт-гани, яъни танқислик, ундан фойдаланиш мураккабла-шаётганига қарамай 260 минг гектар ер 800 минг кишига бўлиб берилиб, деҳқончилик билан шуғулланиш имкония-ти пайдо бўлди.

Эътиборлики, хорижий ёндашувлар асосида энг қуйи бўгин — маҳалла даражасига тушган ҳолда камбағаллик-ни қисқартiriш бўйича Ўзбекистон тажрибаси яратилди. Соҳада олиб бориладиган ишлар натижасида мамлакатимиз-даги камбағаллик даражасини 2019 йилдаги 23 фойздан 2023 йилда 11 фойзга қисқартiriшга эришилди.

Президентимиз томонидан имзоланган “Камбағаллик-ни қисқартiriш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оши-риш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги Фармон соҳада амалга оширилаёт-ган ишларни умуммиллий ҳаракатга айлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур ҳужжатда 2025 йил якуни билан камбағаллик-ни 6 фойзгача қисқартiriш мақсадида 2024 йилнинг қол-ган даврида 500 минг, 2025 йилда 1 миллион нафар аҳоли-ни камбағалликдан чиқариш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотлари-нинг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди.

Шунингдек, “Камбағалликдан — фаровонлик сари” дастури 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб “Камбағал оилалар учун еттига имконият ва масъулият” тамойили асосида амалга оширилди. Бундан ташқари, 2024 йил 1 декабр-дан бошлаб “Маҳалла еттилиги” томонидан камбағал оила-ларнинг ижтимоий шароити ва камбағалликка тушиш са-баблари ўрганилиб, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан Камбағал оилалар реестри шакллантирилади. Аҳолини Камбағал оилалар реестрига киритиш ва чиқар-ишнинг меzonлари ишлаб чиқилади.

Яна бир муҳим масала. Эндилликда ҳар бир туман ва шаҳарда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берувчи камида 5 тадан драйвер лойиҳа рўёбга чиқари-лади. Қўшимча 50 минг гектар экин майдонлари камбағал оилаларга ижарага берилди. Шу билан бирга, 2024-2025 йилларда камбағал оилалар фарзандларининг мактабгача таълим билан қамров даражаси 80 фойзга етказилди.

Бундан ташқари, камбағал оиланинг камида битта фар-занди хорижий тил, касб-хунар ёки мутахассисликка ўқити-лади. Болаларни компьютер саводхонлигига ўргатиш, ах-борот технологиялари ва дастурлаш бўйича ўқув курсла-рида ўқитиш учун шарт-шароитлар яратилади.

Қисқача айтганда, белгиланган устувор вазифалар иж-росини таъминлашда ўзини шу юрт келажагига дахлдор деб билган ҳар бир ватандошимиз фаол иштирок этмоғи лозим. Шундагина эзгу ҳаракатларимиз амалий натижага айланади.

Жамшид ҚОСИМОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ИЛМ-ФАН РАВНАҚИДА ҚОНУНИЙЛИК ВА МАСЪУЛИЛИК

Миллий тараққиёт стратегиямиз асосида мамлакатимизда таълим ва тарбия тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар ушбу соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш, педагог кадрлар мақомини ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда.

Айниқса, сўнгги беш йилда таълимга оид кўплаб қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилингани бу борадаги ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлади. Қолаверса, янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгалиги, давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши, мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши, фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида бюджет ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли экани белгилаб қўйилди.

Таҳлил

Шу ўринда 2020 — 2024 йиллар даво-мида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-нинг Фан, таълим, маданият ва спорт маса-лалари кўмитаси ўз фаолиятини самарали амалга оширганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бинобарин, ўтган даврда кўмитамиз со-ҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Чунончи, қонун ижодкорлиги йўналишида жами 31 та қонун лойиҳасига масъул бўлди ва улардан 29 таси қабул қилинди. Ўзе-бекистон Республикасининг “Таълим тўғриси-да”ги, “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бай-роғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республика-си Қонунига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ва бошқа муҳим қону-нлар шулар жумласидан.

Биргина “Таълим тўғрисида”ги Қонун таъ-лим тизимини тубдан такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш ва уни илгор халқаро тажриба ҳамда амалиёт асосида ри-вожлантиришга кенг имкониятлар яратди. Чунки ушбу ҳужжатга мувофиқ ўқитувчилар-га муаллифлик дастури ва ўқитиш методи-касини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ҳуқитиш ва тарбия усулларини эр-кин танлаш ҳуқуқи берилди.

Шу билан бирга, унда таълим олувчилар-ни таълим жараёни ёки педагог кадрлари таълим фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларга жалб этиш тақиқланди, бун-да раҳбарларнинг қатъий жавобгарлиги бел-гиланди. Таълим соҳасидаги давлат бошқа-руви органларининг ваколатлари ҳамда таъ-лим муассасалари фаолияти эркинлиги кен-гайтирилди.

Бугунги кунда ушбу ҳужжат навқирон ав-лоднинг замонавий билимлар, юқори талаб-га эга касб-хунар эгаллашлари ҳамда таъ-лим олишларининг ҳуқуқий асосини кафо-латлашда муҳим аҳамиятига эга бўлиб, ушбу тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва таълим сифатини яхшилашга ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, десак, асло янглишмаймиз.

Кўмитамиз масъулиятида қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан яна бири — бу Ўзе-бекистон Республикасининг “Педагогнинг ма-қоми тўғрисида”ги Қонуни бўлди. У билан педагогнинг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қимма-ти ва ишчанлик обрўси давлат ҳимоясида бўлиши, педагогларнинг ҳуқуқлари, мажбу-

риятлари, фаолиятининг асосий кафолатла-ри, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, рағбат-лантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш та-моиллилари қатъий белгиланди.

Айтиш мумкинки, ушбу ҳужжат ўқитув-чиларнинг янги Ўзбекистондаги нуфузи ва мавқеини янада оширишга хизмат қилиши баробарида уларнинг ўз касбига меҳри ва садоқатини мустаҳкамлаб, жамият ардо-ғида бўлишга зарур шарт-шароит яратди. Мамлакатимизда ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni сифатида байрам қилиниши ҳам ана шундай ҳурмат-

Қонундир. Ушбу ҳужжат билан Давлат бай-роғидан спорт мусобақаларида, оммавий жисмоний тарбия, маданий ва бошқа омма-вий тадбирларда, оилавий байрамларда, хо-тирлаш саналарини байрам қилишда ҳамда бошқа ҳолларда ҳам миллий рамзимизга нисбатан юксак ҳурматни таъминлаган ҳолда фойдаланишга рухсат берилди.

Байроқ тасвири тўширилган белгилардан фойдаланишда аҳолига кенг имкониятлар яратилди. Масалан, байроқдан жамоат жой-ларида, бинолар ва бошқа объектларда, яшаш ёки иш жойларида, транспорт воси-



эктиром ва ёзознинг давлат миқёсидаги ифодасидир.

Муаллимлар фаолиятига ҳуқуқий, мод-дий ва маънавий кафолатнинг берилиши инсон ресурсини шакллантириш, Ватани-мизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни зиммасига олишга қодир янги авлодни тарбиялашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўз навбатида, бу орқали педагогнинг жамиятдаги нуфузи юксалди, педагогик фаолиятга бўлган талаб ошгани ҳолда таълим бериш тизими янада кучай-ди. Асосийси, уларнинг меҳнатини муно-сиб рағбатлантириш имкониятлари кен-гайишига мустаҳкам замин яратилди.

Кўмитамиз масъулигида қабул қилинган қонунлардан яна бири “Ўзбекистон Респу-бликасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгарт-ириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги

тарларининг салониди, расмий халқаро тад-бирларда, ҳарбий ёки бошқа давлат хизма-тида бўлган шахсларнинг кийим-бошида ва фарқловчи нишонларида, халқаро спорт му-собақалари ҳамда Ўзбекистон чемпионат-лари учун спорт кийим-бошини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги белгиланди.

Мазкур Қонун бугунги кунда аҳоли, ай-ниқса, ёшларнинг ўз юртига нисбатан меҳр-муҳаббат, фахр-ифтихор туйғулари, ватан-парварлик ҳиссининг янада ошишига, халқимизнинг байроқ билан янада ажироқ муносабатда бўлишга хизмат қилмоқда. Зо-тан, у давлатимиз байроғидан фахрланиш имкониятларини кенгайтирди ва уни том маънода миллий ғуруримиз тимсолига айлантирди.

Мазлумки, ҳар бир кўмита фаолияти да-вомиди парламент назоратига оид ишларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қарата-

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ — БАРКАМОЛ АВЛОД САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

“MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

“Миллий тикланиш” демократик партияси мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга қаратилган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини англаган ҳолда **“Тарбия ё ҳаёт, ё мамот...”** ғоясини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий мақсади ҳазрати инсоннинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратишда, деб билади.

Инсон ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун, биринчи навбатда, таълим олиши, маънавий, маданий салоҳиятини ошириб бориши, жисмоний камолотга эришишдек фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлақонли фойдаланиши талаб этилади. Зеро, **“қудратли давлатга таянган, қонунлар миллий ва умуминсоний қадриятларга уйғун, инсон қадри баланд, фаровон жамият қуриш”** партиянинг бош мақсади ҳисобланади.

Албатта, мазкур устувор ғояларни ҳаётга самарали татбиқ этиш ва белгиланган мақсадларга эришиш кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Айнан ушбу ҳақиқатни тўғри англаган ҳолда “Миллий тикланиш” демократик партияси **баркамол авлод салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларини** Сайловолди дастурининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилagan.

Шу боис партия ўз дастурида мазкур масалаларга нисбатан комплекс ёндашувни таклиф этмоқда, **маънавий тарбия ва сифатли таълим**, унинг барча **босқичини ривожлантириш**, шунингдек, **жисмоний тарбия ва спорт** масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Маънавий тарбия ва сифатли таълим – комил инсонни шакллантиришнинг асосий омили

Барчамизга маълумки, ҳар томонлама ривожланган ва ижтимоий масъулиятли шахсни шакллантириш пойдевори, аввало, муносиб тарбиядан бошланади. Сифатли таълим олишнинг асоси ҳам тарбияга бориб тақаллади.

Шу билан бир қаторда, тарбия ва таълим ўзаро мутаносиб, бир-бирини тўлдирувчи жараён ҳисобланади, уларни ажратиб бўлмайди. Таълим жараёнида тарбия, тарбия жараёнида эса таълим ўзини намоён этиб туради. Бу икки жараёни ўзаро уйғун, узлуқсиз асосда ташкил этиш одобли, юксак маънавиятли, қолаверса, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаб воёга етказишнинг асоси ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам партия Сайловолди дастурида **маънавий тарбия ва сифатли таълим** масаласини баркамол авлод салоҳиятини рўёбга чиқаришда асосий мезонлардан бири сифатида белгилаб, бу борада қатор таклиф ва ташаббусларни ўртага ташламоқда.

Айтиш лозимки, ҳатто ривожланган, иқтисодий тараққиётга эришган қатор мамлакатлар тажрибаси ҳам тарбия масаласи баркамол авлодни шакллантириш, маънавиятли инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришда **ҳаёт-мамот масаласи** эканини кўрсатмоқда. Бу борада миллатимизнинг фахру ифтихори бўлган маърифатпарвар жадид бобомиси Абдулла Авлонийнинг: **“Тарбия — биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”**, деган даъвати ҳам бундан қарийб бир аср олдин айтилган бўлса-да, унинг аҳамияти асло камайгани йўқ.

Шу сабабли ҳам партиянинг ўз ғоя ва мақсадларига ҳамоҳанг равишда тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратгани, бу борада Тарбия фанини такомиллаштириш ташаббусини илгари сураётгани нафақат таълим-тарбия тизими ривожига, балки миллатнинг эртанги куни, тараққиёти билан ҳам бевосита боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, партия **Тарбия дарслигини мунтазам такомиллаштириб бориш** ташаббусини билдирмоқда.

Айни чоғда партия тарбияни жиддий илмий тадқиқ қиладиган, оила, боғча ва мактабда сингдирилиши зарур бўлган миллий қадриятлар ва кўникмаларни аниқлаш ва уларни самарали сингдириш **методологияларини ишлаб чиқиш** масалаларини долзарб йўналиш деб ҳисоблайди. Бу борада партия томонидан миллий тарбия асослари ва миллий таълим дастурларини ривожлантириш, узлуқсиз тарбия ва таълим уйғунлигининг **ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш** чораларини кўриш билан боғлиқ устувор вазифалар таклиф этилмоқда.

Мазкур ғоя ва ташаббусларнинг амалиётга татбиқ этилиши илм-фан ютуқлари ва замонавий тарбия методологияларини ишлаб чиқиш ва соҳада қўллаш, бу борада миллий қадрият ва менталитет устуворлигидан келиб чиқиб, миллий дастурларни яратиш имконини беради.

Мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантириш партиянинг устувор вазифаларидан бири бўлади

Юрт равнақи ва истиқболини айнан таълим белгилайди. Шиддат билан ўзгараётган бугунги замонда таълим ва тарбия, илм ва интеллект бемисл аҳамият касб этаётганидан келиб чиқиб, партиямиз **мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантиришга** биринчи галдаги устувор вазифа сифатида қарайди.

Бу борада шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мактабгача ва мактаб таълимининг сифати, аввало, педагог ва тарбиячиларнинг салоҳиятига бориб тақаллади. Салоҳиятли педагог ва тарбиячилар мақсадли тайёрлаш ва танлов орқали таълим ва тарбия жараёнига жалб этилади.

Шу жиҳатлардан келиб чиқиб, партия ўз дастурида **қуйидаги ташаббусларни билдирмоқда:**

■ **“Янги авлод тарбиячиси ва педагогларини тайёрлаш давлат дастури”**ни қабул қилиш, шунингдек, пе-

Шунингдек, педагогларни ишга қабул қилишда шаффофлиқни таъминлашда бугунги кунгача ўзининг муносиб ечимини кутаётган масалалар бор. Яъни таълим-тарбия сифати билан бевосита боғлиқ бўлган муносиб педагог кадрларни ишга олиш, бу бўйича шаффоф тизимларни яратиш ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда. Умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасаларида **ўқитувчи-педагогларни танлов асосида ишга қабул қилишга асосланган шаффоф тизимни жорий этиш** соҳада нафақат таниш-билишчилик, коррупциянинг олдини олишга, балки ўз-ўзидан таълим сифатининг янада яхшиланишига имкон беради.

Таълим сифати бевосита педагогларнинг салоҳиятига боғлиқ экан, уларни таълим муассасасига қабул қилиш тартибини такомиллаштиришга реал эҳтиёж мавжуд. Шу маънода, партиянинг Сайловолди дастуридаги мактабларга педагогларни танлов асосида ишга қабул қилишнинг шаффоф тизимини жорий этиш таклифи бугунги кунга мос ва долзарб масала ечимига қаратилган ташаббус, дейиш мумкин.

Лекин “Адолат” социал-демократик партияси ўз Сайловолди дастурида бевосита таълим сифати билан боғлиқ бўлган педагогларни қабул қилишга

бошланғич синф ўқувчилари таълим ва тарбияси билан бевосита боғлиқ бўлган **уч ёшгача бўлган болалар учун умуммиллий қадриятларга таянган миллий видеомаҳсулотлар контентини яратиш**, мактабгача таълим ва бошланғич таълимнинг 1-синфларида **она тили** билан биргаликда **давлат тилини ҳам ўргатиш**, 6-синфдан танлов асосида **иккита хорижий тилни** ўқитиш, бошланғич синф ўқувчилари **билимини баҳолаш тизимини ислоҳ қилиш** каби ташаббуслари ҳам унинг мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги позицияси қатъий эканини кўрсатади.

Умуман, бу ташаббусларнинг ҳаёtimизга татбиқ этилиши бугунги кунда жуда долзарб масалалардан бири — миллий контентга бўлган эҳтиёжни қондириш, партия ғоя ва мақсадларида устуворлик касб этадиган давлат тили нуфузини янада ошириш баробарида хорижий тилларни пухта ўзлаштириш, ёшлар билим ва кўникмаларини баҳолаш тизимини замонавий стандарт ва миллий қадриятлар уйғунлигида ислоҳ қилиш имконини беради.

Касб-хунар, олий ва олий таълимдан кейинги таълим меҳнат бозори учун малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилади

Таълим ва тарбиясиз, ҳар томонлама етук, интеллектуал авлод камолланиш тараққиётга ҳам, юксалишга ҳам, фаровон ҳаёт ва истиқболга ҳам эришиб бўлмайди. Бошқача айтганда, **таълимга киритилган инвестиция энг муҳим инвестициялар сирасига кириб**, нафақат бир мамлакат ёки халқни, балки бутун жаҳонни ҳам умумбарий тараққиёт ва тамаддун сари етаклайди.

Шундан келиб чиқиб, партиямиз ўз дастурида барча таълим турини ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб, соҳани комплекс раванқ топтириш борасидаги муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда меҳнат бозорини замонавий касб ва бошқа фаолият турлари кенгаймоқда. Замонавий кадрларга қўйиладиган меҳнат бозори талаблари ҳам ўзгариб бормоқда. Айни шу жиҳатдан, партиянинг кадрлар тайёрлашда **халқаро меҳнат бозорини** инobatта олиш ташаббуси рақобат муҳити кучайиб бо-



лари асосида ишлаб чиқиш, педагоглар салоҳиятини ошириш, имтиҳонларни шаффоф ва адолатли ўтказиш борасидаги аниқ вазифалар устида ишлаш лозим.

Шу сабабли, партия ўз ғояларидан келиб чиқиб барча олий таълим муассасасида **таълим сифатига алоҳида эътибор қаратишни** кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида илгари сурлади.

Аслида таълимнинг нечоғли сифатли эканини баҳолашда бундан манфатдор бўлган талабаларнинг фикрини ўрганиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу механизмнинг амалиётга татбиқ этилиши эса таълим жараёнига баҳо бериш, уни истёмолчиси бўлган талабалар томонидан билдирилган фикрлар асосида такомиллаштириш имконини беради.

Партия мамлакат олдида турган стратегик вазифаларни самарали ҳал этиш илм-фан ва технологияларни ривожлантиришдан мумкин эмаслигини яхши тушунади. Шу ҳақиқатни тўғри англаган ҳолда, Сайловолди дастурида қуйидаги муҳим **ташабуслар илгари сурилмоқда:**

■ **“Инновацион фаолият ва уни тижоратлаштириш тўғрисида”** ва **“Венчур уюшмалар тўғрисида”**ги қонунларни қабул қилиш;

■ миллий илмий кадрларни тайёрлаш тизимини қайта қўриб чиқиш, бюрократик талабларни бекор қилиш, **Олий аттестация комиссиясини** ислоҳ этиш.

Таъкидлаш керакки, таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истёвдоли, қобилиятли ёшларни жалб этиш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2025 йилга қадар 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сонига юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари) улушини 2 бараварга, 2030 йилгача эса 3 бараварга ошириш режаси белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, партия томонидан билдирилган юқоридаги ташаббуслар юртимизда илмий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ёшларни илмга жалб этиш, бу борадаги айрим бюрократик талабларни бекор қилиш имконини беради.

Қолаверса, партия Сайловолди дастурида илгари сурилаётган **“Инновацион фаолият ва уни тижоратлаштириш тўғрисида”** ва **“Венчур уюшмалар тўғрисида”**ги қонунларни қабул қилиш ташаббусларини соҳа ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш асосида аниқ мақсад ва вазифалар орқали илмий фаолиятни такомиллаштириш, илмий натижаларни тижоратлаштиришга хизмат қиладди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш имконини беради

Баркамол авлод салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш “Миллий тикланиш” демократик партиясининг **жисмоний тарбия ва спорт масалаларида** илгари сураётган ғояларида ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаган. Зеро, жисмоний тарбия ва спорт келажақ авлод камоли ва аҳоли барча қатлами учун бирдек муҳим масаладир.

Умуман, сўнгги йилларда мамлака-

тимизда спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш борасида амалга оширилган ижобий саъй-ҳаракатлар натижасида спортнинг қатор турлари, хусусан, бокс, шахмат, футбол ва бошқа турлари бўйича спортчиларимиз тарихий натижаларга эришмоқда. Жумладан, шахматчиларимиз 2022 йилда Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси қолиблигини қўлга киритган бўлса, футбол бўйича олимпия терма жамоамиз тарихда илк маротаба Олимпиадада йўлланмасини қўлга киритиб, жорий йилнинг 26 июль — 11 август кунлари Францияда бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этди. Шунингдек, мазкур мусобақада Ўзбекистон делегацияси ўз тарихида илк бор 13 та медаль қўлга киритиб, 206 мамлакат орасида 13-ўринни эгаллади. Паралимпия ўйинларида эса Ўзбекистон делегацияси 26 та медалга эга чиқиб, умумжамоа ҳисобида 13-ўринни қайд этди.

Шундан келиб чиқиб, партия жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, жисмонан ва руҳан соғлом ёш авлодни тарбиялаш, ёшларнинг кенг қўламда спорт билан мунтазам шугулланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратишни, шунингдек, миллий спорт турларини қайта тиклашни устувор мақсад сифатида белгилagan.

Бу борада партия қуйидаги **ташабусларни илгари сурмоқда:**

■ спорт билан **профессонал ва доимий** шугулланувчи ёшларни қўлай-тириш;

■ селекция ишларида **шаффофлик, холислик**ни таъминлаш;

■ **миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини** тиклаш;

■ **миллий олимпиада** спорт ўйинлари ўтказишни йўлга қўйиш;

■ ёшларнинг **“Беш ташаббус олимпиадаси”** ва **халқаро мусобақаларда** иштирок этишига қўмаклашиш.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ҳеч бир нарсаси мамлакатни спорт каби дунёда тез ва осон машхур қила олмайди. Бундан ташқари, баркамол авлодни тарбиялашда шахснинг ақлий, маънавий олами билан бир қаторда, унинг жисмонан соғлом тарзда камол топиши ҳам соғлом миллатни шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди.

Шундан келиб чиқиб, ёшларнинг ва умуман бутун аҳолиимизнинг саломатлигини таъминлаш, спортни кенг тарғиб қилиш ва у билан шугулланиш даражасини ошириш, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини тиклаш мақсадида партия томонидан билдирилган қатор ташаббуслар жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади.

Бу борада, айниқса, ёшларимизни **“Беш ташаббус олимпиадаси”** ва **халқаро мусобақаларда** иштирок этишига қўмаклашиш, **миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини** тиклаш ва миллий **олимпиада** спорт ўйинлари ўтказишни йўлга қўйиш каби ташаббуслар нафақат мамлакатимизда спортнинг янада ривожланишига, балки партия ғоя ва мақсадларида муҳим ўрин тутадиган миллий қадриятларимиз билан бевосита боғлиқ бўлган халқ ўйинлари, миллий спорт турларининг кейинги авлодга етказилишига ҳам хизмат қиладди.

Бундан ташқари, спорт селекция ишларида **шаффофлик, холислик**ни таъминлаш мамлакатимизда кучли спортчиларни саралаш, миллий ва халқаро ареналарда Ватанимиз байроғини юқори кўтарадиган спортчиларни етиштириш имконини беради.

Баҳодир МАМАТХОНОВ,
Васила ФАЙЗИЕВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар.

«МИЛЛИЙ ТИКЛаниш» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Соҳада қатъий ислохотлар бошланганига ҳали кўп вақт бўлганича йўқ, лекин халқро раёнинг ва индексларда мамлакатимизнинг кўрсаткичлари йил сайин юқорилапти. Қувонарлиси, хорижий мамлакатлар, нуфузли халқро ташкилотлар ҳам коррупцияга қарши курашиш йўлидаги чора-тадбирларимизни ҳақли эътироф этмоқда.

Масалан, яқинда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотида Истанбул ҳаракатлар режасининг 5-раунд мониторинг натижалари Ўзбекистоннинг ақсилкоррупция сиёсати Марказий Осиё давлатлари орасида энг юқори баҳоланди. Бу Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашишида тўғри ва оқилона йўлдан бораётганининг далолати.

Қолаверса, Ўзбекистон минтақавий ҳамда халқро миқёсда коррупцияга қарши курашиш борасидаги илгор ташаббусларни илгари сурувчи ва қўллаб-қувватловчи мамлакат сифатида аллақачон ўзини намён этиб улғурди. Ўтган йили Тошкент шаҳрида БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини Марказий Осиёда жадал амалга ошириш бўйича Минтақавий платформа ишга туширилгани, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқро мукофотнинг тантанали тақдирлаш маросимида мамлакатимиз меъзон бўлган сўзимизнинг исботи.

Яқин кунларда Ўзбекистон ташаббуси билан яна бир нуфузли тадбир — IV халқро ақсилкоррупция форумини ўтказамиз ва коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳондаги ўзгаришлар, янги механизмлар ҳамда тенденцияларни муҳокама қилиб, бу борада халқро алоқаларни янада мустақамлаш имконига эга бўламиз.

— Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда ва бошқа манбаларда юртимизда коррупциявий жиноятлар ошиб бораётгани ёхуд унинг таниш-билишчилик, порахўрлик каби турлари “болалаб” кетаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда? Бунга фикрингиз қандай?

— Тўғри, сўнгги вақтларда жамиятдаги кўплаб муаммолар қаторида коррупция оммавий ахборот воситаларининг асосий фокусидagi мавзудардан бирига айланиб, у ҳақда эркин ва ошқора айтила бошланди. Бу жуда қувонарли. Чунки бу, аввало, очкилик сиёсатининг самараси, авваллари медиада коррупция сўзи деярли ишлатилмасди. Бугун эса мамлакатда коррупциянинг мавжудлигини очик тан олган ҳолда жамоатчилик назоратини олиб бораёмиз.

Ҳақиқатан ҳам, ОАВда коррупция жиноятлари тўғрисида хабарлар кўпайди, аммо уларнинг сони ортиб бораётгани масаласида таҳлил натижалари жамиятдаги қарашлардан фарқ қилади: Ўзбекистонда коррупцияга оид жиноятлар салмоғида ўтган йилдагига нисбатан камайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, 2023 йилда коррупцияга оид жиноят содир этган шахслар сони 2022 йилдагига нисбатан 12 фоизга, жиноятлар сони эса 11 фоизга камайган. Шу билан бирга, коррупцияга оид жиноятлар оқибатида етказилган зарар ҳам ўтган йилдагига нисбатан 608 млрд. сўмга ёки 29 фоизга кам.

Шуни унутмаслик керакки, коррупция жиноятларининг ақсарияти латент, яъни яширин бўлиб қолади. Шу сабабли коррупцияга оид жиноятчилик ҳолати бу мамлакатдаги коррупция даражасини аниқ акс эттирмайди.

— Замон талаблари асосида коррупцияга қарши курашишнинг янги, превентив механизмлари ҳам жорий қилиняптими?

— Албатта. Узоққа бормайлик, бундан икки йил олдин биз халқимизга, халқро майдонларда, катта минбар-

ларда, асосан, қилмоқчи бўлган ишларимиз, режаларимиз ҳақида гапирар эдик, бугун эса амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида ҳам бемалол фикр айтишга етарлича асосларимиз бор.

Масалан, давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этдик. Яна бир муҳим механизм, бу — давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ҳамда баҳолашга қаратилган Очиклик индексида. Бу йил иккинчи бор ушбу индекс эълон қилинди. Мазкур тизимлар коррупцияга қарши курашиш соҳасида бўлишган вазибаларни самарали мониторинг қилиш билан бирга, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини қучайтириш ҳамда ташкилот раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш имконини бермоқда.

Баҳолаш яқунлари бўйича яхши натижаларни қайд этган давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ижобий тажрибасини оммалаштиряпмиз, қоникарли деб баҳоланганларга коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар киритяпмиз,

16,4 фоизи озодликдан махрум қилинган. Энг кўп содир этилган коррупцияга оид жиноятлар ўзлаштириш ёки рас-трата йўли билан талон-торож қилиш (2 067 та), пора бериш (894 та), фирибгарлик (769 та), пора олиш (121 та) ва ҳокимият ёки мансаб ваколати суи-истеъмоли (125 та) ҳисобланади.

Соҳалар кесимида ўтказилган таҳлилларга кўра, хўжалик юритиш ҳамда тадбиркорлик, таълим, банк йўналиши-да, соғлиқни сақлаш ва ҳуқуқни муҳо-фаза қилиш соҳаларида энг кўп кор-рупциявий жиноятлар содир этилган.

Жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг 12 нафари республика, 319 нафари вилоят, 5024 нафари ту-ман-шаҳар миқёсидаги давлат ташки-лотларида фаолият қиритган.

Жиноятлар таҳлили кўрсатишича, му-қаддам судланган шахсларнинг давлат хизматига қабул қилиниши улар то-монидан қайта жиноят содир этилишига имконият яратиб бермоқда. Жумладан, 2023 йилда 1 146 нафар муқаддам суд-ланган шахс томонидан коррупцияга оид жиноятлар содир қилинган бўлиб, уларнинг 566 нафари муқаддам содир этган коррупциявий жиноятлари учун судланган.

2022-2023 йиллар давомида 876 на-фар шахс давлат органлари ва ташки-

зим қачон “коррупциядан холи” тизимга айланади? Бунинг учун ишни қандай ташкил этиш керак, деб ҳисоблайсиз?

— Соғлиқни сақлаш соҳасида кор-рупцияга имконият яратиб бераётган қатор муаммолар сақланиб қолаётга-ни оғриқли нуқталаримиздан бири. Чиндан ҳам, соҳада “Коррупциясиз соҳа” лойихаси доирасида ушбу ил-латнинг олдини олиш, тиббий хизмат кўрсатиш жараёнларининг барча бос-қичида шаффофликни таъминлаш бўйича олиб бораётган ишларимиз ор-қали ҳали биз кутган, халқимиз кут-таётган ва хоҳлаётган натижаларга эришолмаяпмиз, бу ҳали яна кўп меҳ-нат ва вақт талаб этади.

Тизимда коррупцияга оид жиноятлар-нинг асосий қисми ходимларнинг иш ҳақларини ўзлаштириш, ишга киритиш ёки иш соатини кўпайтириш, тиббий му-олажалар учун пора олиш, давлат ха-риджлари, тиббиёт муассасаларига те-ғишли мол-мулклар ва бюджет мабла-ғаларини ўзлаштириш каби ҳолатлар би-лан боғлиқ.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими-нинг ўзида ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар турибди. Жумладан, вазирлик тизимидаги тиббиёт муассас-



Яъни ушбу тизимни тўлиқ шаффоф-лаштириш ва инсон омилини максимал даражада камайитиришга қаратилган иш-лар охиригача етказилмаган. Бунда ор-дер бериш тизими давлат хизматлари марказларига ўтказилмагани соҳада коррупциявий оммиларнинг сақланиб қолинишига шароит яратмоқда.

Қўриб турганингиздек, муаммолар кўп, буни яширмайман. Уларни ҳал этиш ҳам осон кечмайди. Лекин тиббиётни “коррупциядан холи” соҳага айланти-риш учун шу каби тўғланиб қолган му-аммоларга оқилона ҳамда самарали ечимлар кўриляпти. Камчиликлар тан олиниб, уларни бартараф этиш учун за-

техник кўмак дастурлари амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш тизи-мини рақамлаштириш ва интерфаол платформаларни жорий этиш бораси-да самарадорлик рейтингини ва хаф-хаттарларни баҳолашга қаратилган “e-anticor.uz” платформаси, аҳоли му-рожаатларини тўғридан-тўғри қабул қилишга қаратилган “Eantior.uz” плат-формаси ва мобил иловаси, “Очиклик индекси”ни баҳолашни ра-қамлаштириш “Open.index” платформаси, давлат органлари ва ташкилотларининг очикликка масъул ходимлари малакаси-ни оширишга қаратилган “E-learning” таълим платформаси ишга туширилди.

Бу йил Европа Иттифоқи, БМТ Та-раққиёт дастури ва Германия халқро ҳамкорлик жамияти (GIZ) шериклигида қиймати 7 млн. долларлик “Ўзбекистон-да коррупцияга қарши миллий экоти-зимни мустаҳкамлаш” ва “Ўзбекистонда бошқарушни тақомиллаштириш: инклю-зив равишда коррупциянинг олдини олиш” лойихаларини ишга туширдик. Мазкур лойихалар доирасида Ўзбекис-тон ақсилкоррупция сиёсатида оид ҳуж-жатларни ишлаб чиқиш ва тақомиллашти-риш, ҳалолликни баҳолаш ташаббусини жорий этиш, коррупцияга оид ислохот-ларнинг барча ҳудудга етиб боришини таъминлаш ҳамда бу жараёни самара-ли мувофиқлаштириш борасида кўплаб ишларни режалаштирганмиз.

— Коррупцияга қарши мураса-сиз курашиш учун яна нималар қилиш керак деб ҳисоблайсиз? Умуман, Ўзбекистонини ушбу ил-латдан бутунлай холи мамлакат-га айлантириш мумкинми?

— Шу пайтга қадар дунё миқёсида мутахассислар, муассасалар ҳамда халқро ташкилотлар томонидан кор-рупцияга қарши курашишнинг самара-ли усулларини топиш мақсадида кор-рупция манбасини аниқлаш ва ўрганиш учун юзлаб, минглаб тадқиқотлар олиб борилган ва бу ҳануз давом этиб кел-моқда. Шунингдек, турли индексларни ҳисобга олган ҳолда ноёб рейтинг ҳамда жадаллар яратилган. Қолавер-са, ҳар хил формулалар ишлаб чиқил-ган. Шунга қарамай, мазкур иллатга қарши барча халқлар учун мос келади-ган умумий ечим ҳануз топилган эмас.

Аммо амалиёт шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши курашишда алоҳи-да чораларни қўллаш самарали эмас, аксинча, бу фаолият мажмуини тарзда мунтазам равишда амалга оширил-сагина яхши натижага эришилади. Бу борада ижобий тажрибага эга давлат-ларда ҳам коррупцияга шароит яратиб берувчи ҳолатларни бартараф қилиш ҳамда олдини олиш чораларига катта эътибор қаратилганини кўриш мумкин.

Коррупцияни батамом йўқ қилиш им-консиз, аммо уни минималлаштиришга эришиш мумкин ва буни дунё мамла-катлари ўз тажрибаси мисолида исбот-лаб келмоқда. Ўзбекистонда ҳам кор-рупциясиз жамият яратиш учун ислох-ни ҳар ким ўзидан бошлаши керак. Зеро, энг муҳим кураш воситаси, ав-вало, шу. Ойлада, таълим-тарбия мас-канида, давлат хизматида, умуман, ҳаётимизда ҳалоллик устувор бўлиши керак. Қолаверса, бефарқлик, эътибор-сизликни енгишимиз шарт. Биз олиб бораётган ислохотларнинг таъсирчан-лиги ҳамда самарасида буларнинг бар-часи жуда муҳим.

Мазкур йўлда ҳали кўп ишлар қили-ниши кераклигини барчасида яхши ан-глаб турибмиз. Аммо ҳар қанча мурак-каб бўлмасин, коррупцияга қарши му-росасизликни, биргаликдаги саяй-ҳара-катларимизни тўхтатмасак ва ҳар бир фуқаро “халоллик вақтинчасини” олса, албатта, Ўзбекистонда коррупциядан холи жамият барпо этиш умумий орзу-интилишдан реал воқеликка айланиши-га ишонаман.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ (Халқ сўзи) сўхбатлошди.

КОРРУПЦИЯ

ЖАМИЯТНИ ТУРЛИ ЙЎЛЛАР БИЛАН ИСКАНЖАГА ОЛАДИГАН ДАХШАТЛИ ИЛЛАТ

кўмак бераёмиз. Қоникарсиз кўрсаткич-ларга эга бўлган давлат ташкилотлар-ида коррупцияга қарши курашишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқи-либ, ижросини таъминлаш юзасидан тегишли раҳбарларнинг ҳисоботлари хар чоракда Ўзбекистон Республикаси-нинг Коррупцияга қарши курашиш мил-лий кенгаши йиғилишларида эшитиб борилиши йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фао-лиятдаги коррупциявий хаф-хатарлар-ни ҳам баҳолаб келяпмиз.

Республика даражасидаги барча дав-лат органи ва ташкилотларида корруп-цияга қарши ички назорат тузилмала-ри ташкил этилишининг мажбурий тар-тиби жорий қилиниши ҳам алоҳида аҳамиятли. Бугунги кунда 116 та дав-лат идорасида ички назорат тузилма-лари фаолияти йўлга қўйилган. Шид-дат билан ўзгараётган айна замонда барча давлатда коррупциянинг янги кўринишлари пайдо бўлмоқда. Бу эса унга қарши курашишнинг замонавий ва самарали методларини янгилаш ҳамда тақомиллаштиришни тақозо этмоқда. Биз ҳам ана шу талаб ва эҳтиёж асо-сида соҳага янгиликларни татбиқ қилишда давом этаёмиз.

— Агентлик томонидан доимий равишда коррупцион ҳолатлар таҳлили юритилади. Айтинг-чи, таҳлиллар бўйича энг кўп корруп-ция ҳолатлари қайси соҳа ё тар-моқларда учраяпти?

— Ўрганишларимизга кўра, 2023 йил-да республика бўйича жами 6 535 на-фар шахс (2022 йилда 7 414 нафар) коррупцияга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, уларнинг 1 076 нафари ёки

лотларига ишга қабул қилиш билан бо-ғлиқ ҳолда содир этилган коррупциявий жиноятлар учун жавобгарликка тортил-ган. Мазкур жиноятларни содир қил-ганларнинг 282 нафари соғлиқни сақ-лаш, 72 нафари халқ таълими, 65 на-фари мактабгача таълим, қолгани бошқа соҳа вакиллари.

Соғлиқни сақлаш тизимига фуқаро-ларни кичик тиббиёт ходими, ҳамши-ралик, фельдшерлик ва фаррош, мак-табгача таълим тизимига тарбиячи ҳамда техник ходим, мактаб таълими тизимига ўқитувчи ва техник ходим си-фатида ишга қабул қилишда корруп-ция ҳолатлари, миллий гвардия, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган-ларга фуқароларни пора беришга да-лолат қилган ҳолда фирибгарлик йўли билан ишга киритиб қўйиш ҳолатлари нисбатан кўпроқ кузатилган.

Ушбу ҳолатнинг юзага келишига иш қидираётган фуқароларга давлат кор-хона, муассаса ва ташкилотларидаги бўш иш ўринлари ҳақида шаффоф маъ-лумотлар бериш тизими лозим дара-жада шаклланмагани ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Давлат корхона, муассаса ҳамда ташкилотларининг мансабдор шахсла-ри мавжуд бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни яшириш орқали турли коррупциявий ҳуқуқбузарликларни со-дир этиш учун ўзларига шарт-шароит яратмоқда, иш берувчи томонидан мав-жуд вакант ўринларга ишга жойлашиш-ни сураб мурожаат қилган фуқаролар-га нисбатан тамагирлик ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

— Энг кўп ходимлар меҳнат қиладиган тармок — соғлиқни сақ-лаш тизими. Аҳолининг кўп иши тушадиган соҳа ҳам шу. Кўп ку-затамиз, бу соҳада коррупция ҳолатлари деярли кунига қулоғи-мизга чалинади. Айтинг-чи, бу ти-

салари замонавий бошқарув меха-низмлари, маркетингнинг сўнгги та-мойилларига асосланган ҳолда, эс-кича усул ва йўналиш бўйича бошқа-рувни ўзида сақлаб қолмоқда. Хусусан, барча тиббиёт муассасасида бошқарув тиббиёт соҳасида фаолият олиб бо-раётган, профессионал бошқарув бўй-ича етарли компетенцияга, шунингдек, молия-иқтисод масалалари бўйича кўникмаларга эга бўлмаган бош ши-фо-корлар зиммасида қоляпти. Бу эса, ўз навбатида, айрим тиббиёт муассаса-ларида иқтисодий маблағларни жалб этиш, уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ йўналишларда жиҳдий муаммо-лар, ҳатто молиявий қонунбузилиш ҳолатларининг ҳам келиб чиқишига са-баб бўлаётди.

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фао-лияти етарли даражада йўлга қўйилма-ган. Жумладан, вазирлик марказий ап-парати 5 нафар штат бириги асосида ички назорат тузилмаси фаолияти йўлга қўйилиши билан чекланган. Бироқ ва-зирлиқнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда иктисослаштирилган тиббиёт марказларида ушбу тузилма фаолияти ташкил этилмаган.

Вазирлик тизимида умумий ҳисобда 1 минг 500 дан ортиқ тузилмаларнинг мавжудлиги, унинг марказий аппарати етарли технологик ресурслар ва улар-дан фойдаланиш механизмлари етар-ли таъминланмагани сабабли ходим-ларни ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ҳамда уларга иш ҳақларини ҳисоблашда коррупциявий қонунбузи-лиш ҳолатлари келиб чиқмоқда.

Бепул тиббий хизмат олиш ҳуқуқини берувчи ордерларни тақсимлаш жараё-нининг очик ва шаффофлигини таъмин-лаш борасида тартиб ишлаб чиқилган бўлса-да, бироқ ордер бериш тиббиёт муассасалари ва оилавий поликлини-калар томонидан амалга оширилади.

рур имкониятлар ишга солиняпти. Бу-ларнинг аниқ натижа ва самараси ҳам узоқ куттирмаслигига ишонаман.

— Коррупцияга қарши курашда халқро ҳамкорлик, яъни хориж тажрибасини ўрганиш бўйича қан-дай ишлар амалга оширилмоқда?

— Давлатимизнинг дунёга очиклик ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик принципи кор-рупцияга қарши курашиш сиёсатида ҳам қўлган, деб айта оламиз. Зеро, ушбу йўналишдаги халқро шериклик, муам-моларга биргаликда ечим излаш биз учун стратегик аҳамиятга эга.

Ўтган қисқа вақтда агентлик томо-нидан коррупцияга қарши курашиш бо-расида 15 та халқро ташкилот билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Йигирмадан ортиқ хорижий давлатларнинг ваколат-ли идоралари билан алоқалар ўрнатил-ди. Булар қаторига АҚШ, Жанубий Ко-рея, Франция, Германия, Буюк Брита-ния, Қатар, Сингапур, Швейцария, Ма-лайзия, Словения, Миср, Украина, Мол-дова, Латвия, Эстония, Финляндия каби коррупцияга қарши курашишда кўзга кўринган мамлакатлар ҳамда Хитой, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби яқин қўшниларимиз ва минтақадошларимизни киритиш мумкин.

Ҳамкорлик алоқаларининг кўлами ва ёндашувида эътибор қаратадиган бўлсак, унда коррупцияга қарши ку-рашиш бўйича давлат сиёсатининг барча йўналиши қамраб олинган. Мисол учун, Европада хафсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан давлат органлари фаолияти очиклигини таъминлаш, БМТ орқали Жанубий Корея Ҳукумати би-лан фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича махсус портални (Clean Portal) жорий қилиш, Япония халқро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан давлат харидлари ва жамоатчилик хабардор-лигини кенгайтириш йўналишларида

ғамхўрлиги, уларнинг саломатлиги, оилавий шарт-шароитларини яхшилаш учун жон қуйди-раётгани фахрийларни қувонтирмоқда. Кекса-ларни эъзозлаш, хурмат-эҳтиром кўрсатиш шунчалик бўлади-да! Шу боис нафақага чиқиб ҳам бекор ўтиргим келмайди. Маҳалладаги эъзозли оқсоқоллардан бири сифатида элнинг қувончу қайғусида ҳамиша биргаман.

...Йиллар давомида элга хизмат қилган, эн-дликда бой меҳнат тажрибаси, ҳаётий ҳикмат-лари билан жамият равнақига ҳисса қўшаётган отахон хар бир дуосида бугунги тўқис, фаровон кунлар учун шукрона айтади. Ёшларга тинчлик олий неъматлигини, уни қадрлаш кераклигини уқитишдан чарчамайди.

“Илоҳим, юртимизни ёмон кўзлардан асра-син, тани сихатлик, тинчлик-хотиржамлик бар-давом бўлсин!” дейди Раҳмон бобо хайрлашар чоғимизда.

Адиба УМИРОВА (Халқ сўзи).

«ОНАМ БИЛАН МАШОҚ ТЕРГАНМАН...»

Икки сирдарёлик ҳамсўхбат бўлса, дарров бир-биридан сўрайди:
— Сиз Мирзачўлни обод қилишда бош-қош бўлган Раҳмон Ҳикматовни танийсизми?
Мен шу отахон истикомат қиладиган Мирзачўл маҳалласиданман.
Бундан ажалблган ҳамроҳи ҳам шу саволни, албатта, тақрорлайди:
— Катта идораларда ишлаган Раҳмон отами? Бизнинг Мирзобод туманидан...

ЭЛ ЭЪЗОЗИДАГИ ИНСОНЛАР

Ҳаётнинг пасту баландини кўрган отахон эса ўзи ҳақида шундай дейди:
— Бу йил тўқсон иккига кирдим. Дориламон кунларга етказилган шукр! Бугунимдан минг-дан-минг розиман.
— Юздан ошганингизда ҳам шу шижоат билан яшанг, — деймиз.
Бу сўздан бобо руҳлибди, биз билан хотира-ларини бўлишди:
— Не-не сурулни кунларни кўрмадик, бола-лик чоғларимиз отинг ўчгур уруш айна авжига чиққан, норғул йигитлар фронгда, ўроқчилар-нинг ақсари аёллар ва ўсмирлар эди. Кунбўйи ўроқ кўтариб юрган онаминг мадори қуриган-

да машоқ теришга ёрдам берардим. Машоқ де-гани, бу ўроқ текканда ярим-ёрти тушиб қола-диган буғдой бошоғи, бир соат астойдил эгил-санг, терганинг ярим этак чиқади. Қамчисидан қон томиб турган раис онамга шу бир ҳовуч донни ҳам раво кўрмасди. Ушанда галлакор бўлиб, дастурхонимизни нонга тўлдиришни ният қилганман.

1949 йилда Самарқанддаги 1-мактабни ту-галлаб, қишлоқ хўжалиги институтига таҳсил олдим. 1955 йилда Т. Аҳмедов номидаги совхозда агроном сифатида иш бошладим. Кўп йиллар давомида шу соҳада фаолият кўрсат-дим. 1982 йилда “Мирзачўл” давлат хўжалиғи-да раҳбар бўлиб, дастлаб заҳоб сувларни қочи-риш учун зовур ва коллектор-дренажларни

қуриш ташаббусини кўтариб чиқдим. Пахта, гал-лазорлар учун унумдор ерлар очилди. Каерда меҳнат қилмай, зиммамга юклатилган вазифа-ни астойдил бажаришга интилдим, хар ишда онаминг маслаҳати, дуоларига таяндим.

Яратганга шукр, энди одамлар галла экиб, ўроқ ўриб бир ҳовуч буғдойга хадди симаган замонлар ортда қолди. Бугунги деҳқон оддий ишчи эмас, фермер ёки тадбирқоро айланди. Бозорларга борсангиз, ўз маҳсулотларини сотиш учун алоҳида расталар ажратилган. Тўй-маъракаларга борсам, дастурхондаги ширмой-нонларни кўзимга суртаман. Халқимизнинг иро-даси билан галла мустақиллигига эришдик. Нон-насибамиз бутун бўлди.

Биз меҳнатимиз билан пахтазору, галлазор-га айлантирилган майдонларда янги техника-лар ҳосил ўриб юрганини кўрсам, қўзим қу-найди. Миришкорлар дон-дунни нобуд қил-май, элимиз дастурхонига етказиб бермоқди. Президентимиз ҳам эл-юрт ичида юрибди. Халқимизнинг ҳолидан огоҳ, Элнинг меҳнати

давлатни бойитади-да! Эл-юртга камарбаста бўлгим келаверади. Қани, аввалгидек куч-қу-ватим бўлса...

— Ҳали ҳам бардамсиз. Юзда ҳам ҳаётдан рози бўлиб юринг, — деймиз.

— Халқимиз, давлатимиз ардоғида, эъзозу хурматда кексалик гаштини суряпмиз. Турмуш ўртоғим Насибихон билан салкам етмиш йил тинч-тотув ҳаёт кечирдик. Ҳалол меҳнат билан ўн тўрт фарзандни тарбиялаб, элга қўшдик. Қирқта невара, қирқ битта чеваранинг суюкли бобо-бувиси бўлиб ўтирибмиз. Невараларим-дан 22 нафари олий маълумотли, 4 неварам олий таълим даргоҳларида таҳсил олмоқда. 50 га яқин невара ва чевараларим ўрта мактаб-ларда ўқимоқда. Уларга доим айтадиган гапим шу: болаларим, мамлакатимиз келажаги би-лим олаётган ёшлар қўлида. Яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўқинг ва изланинг!

Яна бир гап. Президентимизнинг кекса авлод вакилларига кўрсатаётган алоҳида

ғамхўрлиги, уларнинг саломатлиги, оилавий шарт-шароитларини яхшилаш учун жон қуйди-раётгани фахрийларни қувонтирмоқда. Кекса-ларни эъзозлаш, хурмат-эҳтиром кўрсатиш шунчалик бўлади-да! Шу боис нафақага чиқиб ҳам бекор ўтиргим келмайди. Маҳалладаги эъзозли оқсоқоллардан бири сифатида элнинг қувончу қайғусида ҳамиша биргаман.

...Йиллар давомида элга хизмат қилган, эн-дликда бой меҳнат тажрибаси, ҳаётий ҳикмат-лари билан жамият равнақига ҳисса қўшаётган отахон хар бир дуосида бугунги тўқис, фаровон кунлар учун шукрона айтади. Ёшларга тинчлик олий неъматлигини, уни қадрлаш кераклигини уқитишдан чарчамайди.

“Илоҳим, юртимизни ёмон кўзлардан асра-син, тани сихатлик, тинчлик-хотиржамлик бар-давом бўлсин!” дейди Раҳмон бобо хайрлашар чоғимизда.

Адиба УМИРОВА (Халқ сўзи).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни ёқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Тахририятга келган кўлаёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани рас